

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Навоий шаҳри

2022 йил 26 август

4-21-2204/10-сонли иш

Навоий вилоят судининг судьяси Л.Тошмуродов раислигида, судья катта ёрдамчиси Н.Исмаиловнинг котиблигида, даъвогар вакили А.А (ишончномага асосан) иштирокида, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар «N» акциядорлик жамияти манфаатини кўзлаб, жавобгар «С СО.LTD» хорижий Компаниясига нисбатан 263.410441,15 сўм асосий қарзни 21.600 сўм почта харажатини ундириш тўғрисидаги даъво аризасини очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қўйидагиларни

а н и қ л а д и:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар «N» акциядорлик жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) манфаатида Навоий вилоят судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда жавобгар «С СО.LTD» хорижий Компаниясидан (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 263.410441,15 сўм миқдоридаги асосий қарздорликни ҳамда 21.600 сўм почта харажатини ундиришни ҳамда ишни Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси вакили иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган.

Мазкур даъво аризаси суднинг 2022 йил 27 майдаги 4-21-2204/10-сонли ажрими билан иш юритишга қабул қилинган.

Суд мажлисида даъвогар вакили тарафлар ўртасида ацетилен пиролизный сотиб олиш учун 2019 йил 8 апрелда 1-19/804-сонли шартнома имзоланганлиги, ҳисоб-фактураларга асосан даъвогар томонидан 2019 йил 6 апрелидан 2019 йил 17 декабрига қадар жавобгарга жами бўлиб 340.372.541,15 сўмлик маҳсулот етказиб берганлиги, жавобгарнинг доимий муассасаси томонидан жами бўлиб 76.962.100 сўм тўловлар амалга оширилганлиги, қолган тўловлар тўланмаслиги оқибатида 263.410441,15 сўм қарздорлик юзага келганлиги, қарздорликни тўлаб бериш тўғрисида 2020 йилнинг 14 августидан 25/5659-сонли талабнома юборилганлиги, жавобгар томонидан юборилган талабнома эътиборсиз қолдирилганлиги, шу сабабли судга асосли даъво аризаси киритилганлиги, бироқ жавобгар суд мажлиси кунига қадар, яъни 2022 йил 10 август куни 263.410441,15 сўм қарздорлигини тўлиқ тўлаб берганлиги, суд харажатларини жавобгардан ундиришни сўраб тушунтириш берди.

Навоий вилоят судининг 2022 йил 27 майдаги 4-21-2204/10-1-сонли хатига асосан, Хитой Республикаси ваколатли судига илтимоснома юборилган ҳамда суд мажлисини вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинган.

2022 йил 26 августдаги суд мажлисига тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар судга келмади.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси ишни вакили иштиркосиз кўришни сўраган.

Суд даъвогар вакилининг тушунтиришларини эшитиб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъво аризани қаноатлантиришдан рад этишни лозим деб топди.

Аниқланишича, тарафлар ўртасида ацетилен пиролизный сотиб олиш учун 2019 йил 8 апрелда 1-19/804-сонли шартнома тузилган.

Ҳисоб-фактураларга асосан даъвогар томонидан 2019 йил 6 апрелидан 2019 йил 17 декабрига қадар жавобгарга жами бўлиб 340.372.541,15 сўмлик маҳсулот етказиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси, Навоий вилояти, Навоий шаҳри 5-уйда фаолият юритаётган жавобгарнинг доимий муассасаси томонидан жами бўлиб даъвогарга 76.962.100 сўм тўловлар амалга оширилган.

Жавобгар томонидан қолган тўловлар тўланмаслиги оқибатида 263.410441,15 сўм қарздорлик юзага келган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 437-моддасига кўра, маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Юқорида қайд этилган қарздорликни бартараф этиш тўғрисида даъвогар жавобгарга 2020 йил 14 август куни 25/5659-сонли талабнома юборган.

Бироқ, жавобгар томонидан юборилган талабнома эътиборсиз қолдирилган ҳамда қарздорлик 2022 йил 23 май ҳолатига, яъни даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилмагунга қадар тўлаб берилмаган.

ФК нинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Даъвогар вакили томонидан суд мажлисида тақдим этилган 2022 йил 10 августдаги №0000002349-сонли электрон тўлов топшириқномасидан кўринишича, жавобгар 2022 йил 10 август куни даъвогар ҳисоб рақамига 263.410441,15 сўм тўлаб берилганлиги кўринади.

Шу боис суд, низо юзага келишига асос бўлган ҳолатлар, яъни қарздорлик даъво аризаси судга тақдим этилгандан сўнг бартараф этилганлигини инобатга олиб, даъво талабини қаноатлантиришдан рад этишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 176-моддасининг олтинчи

қисмига асосан суднинг ҳал қилув қарори қонуний ва асослантилган бўлиши керак. У суд мажлисида текширилган далилларгина асосланган бўлиши мумкинлиги назарда тутилган.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2007 йил 15 июндаги “Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори тўғрисида”ги 161-сонли қарорининг 3-бандида судларга қарор иш ҳолатлари ҳақидаги тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги бўйича тушунтириш берилган.

ИПК 118-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Мазкур ҳолатда суд, даъвогарнинг асосий қарздорликни ундириб бериш ҳақидаги талаби жавобгар томонидан ихтиёрий қоплаб берилганлиги боис давлат божини жавобгардан давлат фойдасига ундиришни ҳамда 21.600 сўм почта харажати жавобгардан даъвогар фойдасига ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176, 179-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И

«N» акциядорлик жамиятининг даъво аризаси қаноатлантилришдан рад этилсин.

«N» акциядорлик жамияти фойдасига «С СО.LTD» хорижий Компаниясидан 21.600 сўм почта харажати ундирилсин.

«С СО.LTD» хорижий Компаниясидан давлат фойдасига 5.268.209 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бир ой ўтгач қонуний кучга киради. Ҳал қилув қароридан норози бўлган тарафлар бир ой муддатда апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

Л.Тошмуродов